O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

NAVOIY VILOYATI
NUROTA TUMANI
HOKIMINING
Q A R O R I

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН

Р Е Ш Е Н И Е
ХОКИМА
НУРАТИНСКОГО
РАЙОНА НАВОИЙСКОЙ
ОБЛАСТИ

Nurota sh. X.Xudoyqulov ko'chasi 48
"02" октябр 2017 йил № Н-847

г. Нурата ул. Х.Худойкулов 48

Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш иш ўринларини 2018 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг 17-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 97-модда), Ўзбекистон Республикасида "Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 25-моддаси (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6 апрелдаги "Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий мухофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-616-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон), Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 186-сонли қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 34-сон, 333-модда) асосан иш ўринларини банд қилиб қўйиш мақсадида ҳамда туман Бандликка кўмаклашиш марказининг 2017 йил 11-сентябрдаги 01-08/497-сонли хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг 17-моддасига асосан ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун ходимларнинг ўртача сони 20 нафардан ортиқ корхона ва ташкилот муассасаларда 2018 йил учун 226 кишини ташкил этадиган 4 фоиз миқдорда, шу жумладан:

ўн тўрт ёшгача болалари ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ота, ёлғиз она ва кўп болали ота-оналар учун 8,4 фоиз-19 киши;

таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун 63,8 фоиз - 144 киши;

муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилганлар учун 8,9 фоиз - 20 киши;

ногиронлар учун 3,0 фоиз - 7 киши;

туман Бандликка кўмаклашиш марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун 2,7 фоиз - 6 киши;

жазони ўташ муассасаларидан озод қилинган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар учун 4,4 фоиз - 10 киши;

одам савдосидан жабрланганларни иш билан таъминлаш учун 2,7 фоиз- 6 киши;

ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларнинг бошқа тоифалари учун 6,1 фоиз- 14 киши, шу жумладан сафарбарлик чақируви захирасига киритилганлар учун - 5 киши, кичик ёшли болалари бўлган ишламаётган аёллар учун - 6 киши, атрофдагилар учун хавфли бўлмаган ижтимоий аҳамиятли касалликлар билан оғриётган шахслар учун 3 киши миқдорида иш ўринлари захираси белгилансин ва тумандаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар кесимида иловадаги жадвал асосида тасдиқлансин.

2. Корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарларига:

ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар учун иш жойларининг кўрсатиб ўтилган миқдорини Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августлаги 186-сонли қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ белгиланган муддатларда ва тартибда яратилиши (ажратилишини ёки банд этиб қўйилишини) таъминлаш;

иш жойлари санитария гигиена нормаларига ва ходим ўз мехнат мажбуриятларини бемалол бажаришини таъминлайдиган меҳнат шароитларига мувофиқ бўлишини таъминлаш;

ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2017 йил якунланишидан 10 кун олдин квота иш жойлари умумий миқдорининг камида 25 фоизи учун, 2018 йилнинг 10 апрелидан кечикмай иш жойларининг қолган қисми 75 фоизини барпо этиш (ажратиш ёки банд қилиб қўйиш) тўғрисидаги, яъни ҳар бир квота тоифаси бўйича иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар, мутахассисликлар кесимидаги маълумотларни ва буйруқ нусхаларини туман Бандликка кўмаклашиш марказига тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

3.Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги қонуни 18-моддаси 3-қисмига асосан ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга энг кам миқдоридаги иш жойларини яратиш юзасидан қабул қилинган мазкур қарорни бажармаганлик учун иш берувчилар ҳар бир яратилмаган иш жойи учун қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

4.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сонли қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага мухтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида" Низомнинг 15-банди 2-қисмига асосан, маҳаллий давлат ҳокимияти органининг ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш бўйича қарорини бажармаганлик учун жарима

тўлаганлик ташкилотни банд қилиб қўйиладиган иш ўринларининг белгиланган сонини ташкил этишдан озод қилмайди.

5.Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини туман ҳокими томонидан белгиланган миқдордан ортиқча ташкил этган ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 август-даги186-сонли қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисида"ги Низомга асосан ушбу иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маблағларнинг бир қисмини Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканликлари инобатга олинсин.

6.Туман ҳокими умумий бўлими (О.Махмудов) бир ҳафта муддатда мазкур қарорнинг иловасида кўрсатилган корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларига етказилишини таъминласин.

7.Туман Бандликка кўмаклашиш маркази (М.Ҳақбердиев)га ушбу қарорнинг бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш ҳамда ҳар чорак якуни билан амалга оширилган ишлар юзасидан туман ҳокимлигига маълумот тақдим этиб бориш юклатилсин.

8.Мазкур қарорнинг "Нурнома"газетасига эълон қилиниши ва адлия бошқармасига давлат ҳисобига олиш учун тақдим этилиши таъминлансин.

9.Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари М.Назаров зиммасига юклатилсин.

10. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Туман ҳокими **Ж.Ҳамроев**